

МАРКАЗ ОЛДИГА ҚЎЙИЛГАН УСТУВОР МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР:

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва унинг доирасида қабул қилинадиган давлат дастурларида назарда тутилган чора-тадбирларни ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш;

Тараққиёт стратегияси ва давлат дастурлари доирасида амалга ошириладиган тадбирлар бўйича илғор хорижий тажриба, халқаро стандартлар, шунингдек халқаро ташкилотлар ва экспертларнинг баҳолари, фикр-мулоҳазаларини ўрганиш;

Тараққиёт стратегиясини самарали амалга ошириш, шунингдек давлат дастурларида назарда тутилган қонун, қонуности ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар бўйича асослантирилган таклифлар ишлаб чиқиш;

Тараққиёт стратегияси доирасида қабул қилинадиган давлат дастурларининг амалга оширилиб боришини тизимли мониторинг қилиш;

тегишли йўналишларда аниқланган тизимли муаммоларни, жумладан бюрократик тўсиқлар, қонунчиликдаги номувофиқликлар, ишламаётган ҳуқуқий механизмлар, эскириб кетган қоидаларни умумлаштириш;

халқаро ва хорижий ташкилотлар, илмий-тадқиқот, ахборот-таҳлилий ҳамда таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

тадбиркорлар, олимлар, экспертлар ҳамжамияти ва жамоатчилик вакиллари билан бирга тизимли муаммоларни муҳокама қилган ҳолда уларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш;

ижтимоий сўровларни ўтказиш ва уларнинг натижалари бўйича илмий изланишлар олиб бориш;

Тараққиёт стратегиясини амалга оширишга доир ҳар йиллик давлат дастурлари лойиҳаларини тайёрлашга қўмаклашиш;

Давлат билан халқ ўртасида очиқ мулоқот муҳитини шакллантириш;

Тараққиёт стратегияси ва давлат дастурлари доирасида амалга ошириладиган тадбирлар бўйича аҳолининг фикр-мулоҳазаларини тўплаш ва ўрганиш ҳамда улар юзасидан асослантирилган таклифларни ишлаб чиқиш.

100017, Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 16.
“Пойтахт” бизнес маркази, 5-қават.

Телефон (факс): + (998) 71-239-01-91
Веб-сайт: www.strategy.uz

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг:

 @dscuzbekistan
 @DSCUzbekistan
 @Dscuzbekistan
 @dsc_uzb
 Development Strategy Center



“TARAQQIYOT STRATEGIYASI” MARKAZI



www.strategy.uz

“ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ” МАРКАЗИ

ФАОЛ ҲАМКОРЛИК

ЭЪТИРОФ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ф-4849-сонли Фармойиши билан ташкил этилган.

ФАОЛИЯТ САМАРАЛАРИ



2 880 дан ортиқ тарғибот тадбирлари ташкил этилди.



950 га яқин тақдимотлар ўтказилди.



42 та миллий ва халқаро ташкилотлар билан Ҳамкорлик Меморандумлари имзоланди.



300 га яқин хорижий давлат ва халқаро ташкилот вакиллари, Ўзбекистонда фаолият юритаётган хорижий мамлакатлар элчилари қабул қилинди.



Марказ ходимларининг хориж давлатларига **40 дан ортиқ** ишчи ташрифлари амалга оширилди.



Маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали **5000 дан ортиқ** чиқишлар қилинди.

Марказ томонидан халқаро ва хорижий ҳамкор ташкилотлар билан ҳамкорликда Ўзбекистонда илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш юзасидан кўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.



2017 йил якунларига кўра, “Global Go To Think Tank Index Report” дунё тадқиқот ва таҳлил марказлари йиллик рейтингда янги ташкил этилган “Ақл марказ”лари “ТОП-50”талигига кирди;

2018 йил якунига кўра, “Global Go To Think Tank Index Report” рейтингининг “Best New Think Tanks 2018” номинациясида 27 та янги ташкил этилган “Ақл маркази” қаторида эътироф этилди;

2021 йилда Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (CAREC) уюшмаси аъзолигига қабул қилинди;

Марказий Осиё фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ўтказилган “Level Up Prize” танлови голиби.

Марказ – Шанхай “Ақл марказ”лари йиллик форумида иштирокчиси.

